

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кредит-иқтисод” факультети

декани, и.ф.н., Обломуродов Н.Н. _____

“ _____ ” _____ 2016 й.

“БАНК ХИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

БОЛТАЕВ АБРОР ШУМУРОД ЎҒЛИ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БИЗНЕС ВА
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ-НИНГ БАНКЛАР БИЛАН
ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

5340700 – “Банк иши” таълим

йўналиши бўйича

бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

к.ўқ.Аҳмедова Д.

“ _____ ” _____ 2016 й.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Банк ҳисоби ва аудит иши”

кафедраси мудири

_____ Т.Болтаев

“ _____ ” _____ 2016 й.

ТОШКЕНТ – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
I БОБ. БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ- НИНГ БАНКЛАР БИЛАН ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1 Бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг мазмун- моҳияти ва иқтисодиётда тутган ўрни	7
1.2 Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзарo иқтисодий муносабатларининг назарий жиҳатлари ..	15
II БОБ. БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ- НИНГ БАНКЛАР БИЛАН ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ	29
2.1 Бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда банкларнинг роли	29
2.2 Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзарo алоқалари таҳлили ("Микрокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банки мисолида)	39
III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ- НИНГ БАНКЛАР БИЛАН ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	47
3.1 Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзарo иқтисодий муносабатларини такомиллаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар	47
3.2 Банк хизматларини ривожлантириш орқали бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзарo иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш масалалари	51
ХУЛОСА	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жадал ривожлантиришда уларнинг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимини эркинлаштириш юзасидан қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг натижасида икки поғонали банк тизими шаклланди. И. Каримов таъкидланидек: “Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ”¹. Бундан ташқари 2013 йилда “банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, республика банк-молия тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади”²

Бизнес ва тадбиркорлик субъектларини банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятини кенгайтириш, мавжуд пул маблағлари ва инвестиция ресурсларидан оқилона фойдаланиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш бугунги кундаги долзарб

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. – Т: Ўзбекистон, 2010.– 84 б.

² Каримов И. А. Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т: Ўзбекистон, 2013.– 64 б. Ўзбек ва рус тилларида.

масалалардан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий иши мавзусининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий иши мавзусининг вазифалари бўлиб қўйидагилар белгилаб олинди:

- бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини назарий асосларини ўрганиш;
- бизнес ва хусусий тадбиркорликда банклар ўрнини баҳолаш;
- бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда тавсифлаш;
- Миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг объекти: Ўзбекистонда фаолият юритаётган бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда бугунги кунда самарали фаолият юритаётган банклар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети: бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари йиғиндисидан иборат.

Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида келтирилган маълумотлардан бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишда, ушбу мавзу бўйича маърузалар ўқишда ва тақдимот материаллари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида иқтисодийни модернизациялаш жараёнида бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларининг назарий асослари, иқтисодийда тутган ўрни келтириб ўтилган.

Ишининг иккинчи боби бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини ташкил этиш масалаларига бағишланган бўлиб унда амалий ва таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи боби иқтисодийни модернизациялаш жараёнида бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш истиқболлари масалаларига бағишланган.

1-БОБ. БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАНКЛАР БИЛАН ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмун

Бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг мазмун моҳиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик хавф-хатарни ўзига олиш, бошқача қилиб айтганда, таваккалчилик билан боғлиқ. Тадбиркорликнинг иккинчи босқичи эса инновация жараёни билан боғлиқдир. Тадбиркорликнинг новаторлик характери қуйидагиларда акс эттирилади: бозор учун янги товар ишлаб чиқариш; ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш; янги сотиш бозорларини ўзлаштириш; хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш. Тадбиркорликни вужудга келишининг учинчи босқичи тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари: иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади.

Тадбиркорнинг ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган ишлари кўп қирралидир. Бу бозор сиёсатининг ўзгариши билан ёки корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарурдир. Бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак: тадбиркор ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш кўради; тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш

харажатларини камайтириш йўллари қидиради; бизнеснинг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини эркин шарт-шароитларда олиб боришига етарли имкониятлар яратишади; кичик корхонанинг пировард натижалари, яъни унинг оладиган фойда ёки зарари фақат бозордаги олди-сотди жараёнида маълум бўлади; кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги технологияларини тадбиқ этишда ўз ифодасини топади. Тадбиркорнинг ўзи тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти бўлади. Аммо тадбиркор ягона субъект эмас, ҳар қандай ҳолда у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси ҳамда ҳар хил вазиятларда ёрдамчи ёки рақиб сифатида бўлувчи давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Истеъмолчи ҳам, давлат, ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига кирадилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Аммо бу тадбиркор истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши кераклигини билдирмайди. Тадбиркорнинг ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши, янги истеъмол эҳтиёжларини яратиши (агар харидор учун зарур бўлган янги товар яратилса) мумкин.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг асосий мақсади – ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз

истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак: товарнинг янгилиги ва унинг ҳаридор манфаатига мос келиши; товар ёки хизматларнинг сифати; товар ёки хизматларнинг нархи; товарнинг универсаллик даражаси; товарнинг ташқи кўриниши, унинг ҳаридор талабига мослиги; сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти; товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги; товарлар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, ҳаридор диққатини ўзига жалб қилиши ва ҳоказо.

Тадбиркорнинг ушбу ишбилармонлик тамойиллари унинг ижодкорлигига асосланади. Ижодкорлик тадбиркорни таърифлашда асосий мезон бўлади, аммо у ҳар хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркор бошқа ижодкор кишилар томонидан амалга оширилган кашфиётлар, топилмалардан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинлигини билади. Шу билан бирга, у бу янгиликлардан ҳаридорнинг қизиқишини уйғотувчи янги, ажойиб нарса ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш йўллари топа олади.

Тадбиркор фаолиятининг бошқа томонларида ҳам кашфиётчилик элементларини қўллаши мумкин. Масалан, у ишлаб чиқаришнинг, маҳсулотни сотишни бошқаришнинг янги шакллари топади, шериклик муносабатларини ўрнатади, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларидан фойдаланади. Тадбиркорликнинг яна бир муҳим хусусияти ишлаб чиқариш жараёнида янги ғояларнинг амалга оширилиши бозор томонидан қандай қабул қилинишини олдиндан кўра билиш қобилиятида намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, янгиликни бозорда татбиқ этиш ва истеъмолчининг жавобини битта жараёнга бирлаштира олиш тадбиркор муваффақиятининг гаровидир. Кўпгина тадқиқотчилар жамиятда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бораётганлигини таъкидлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, «тадбиркор» тушунчаси «менежер» тушунчасига жуда яқин туради. Шу билан бирга, тадбиркор мулкдор бўлса, менежер бошқарувчидир. Амалда эса, аксарият мулкдорлар менежер функциясини

базаради, қатор менежерлар эса ўзлари бошқариб турган ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиб қолмоқда.

Тадбиркорлик – (ингл. ентерприсе) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкӣ масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор (фрн. ентреpreneур) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик шахсий ва ижтимоий фойдаларни кўзлаган ҳолда даромад олиш учун сарфланаётган маблағ билан боғлиқ фаолиятдир.

Тадбиркорликни шакллантириш учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа муайян шароитлар яратилиши керак. Иқтисодий шароитларга қуйидагилар киради: товарга бўлган таклиф ва талаб; ҳаридор сотиб олиши учун товар турларининг мавжудлиги; ҳаридор сотиб олиши учун керак бўлган пул ҳажмининг мавжудлиги; ишчиларнинг маошига, яъни сотиб олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи ишчи жойларининг, ишчи кучларининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги. Пул ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, киритилган капиталдан олинаётган даромад миқдори ва ўз ишбилармонлик операцияларини молиялаштириш учун олинмоқчи бўлган кредит миқдори иқтисодий шароитга таъсир этади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаи сифатида ижтимоий муаммоларни бартараф этишда катта рол ўйнайди, бандлик муаммоларини ҳал этиш, миллий бойликни ўстириш ва миллатнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Миллий иқтисодиётимизда бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўрни муҳим бўлиб, иқтисодиётни ривожланишига, арзон ишчи кучидан самарали фойдаланишга, аҳоли бандлигини таъминлашга, аҳолини истеъмол талабини нисбатан қичқа муддатларда қондиришга, иқтисодий вазиятнинг

тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолиятини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олишга қодирдир. Бундан ташқари бизнес иқтисодий тизимни оптимал ҳолатда ушлаб туриши, ресурслар чекланган шароитда рақобатбардош маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга имконият яратади. Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мақоми фақатгина унда банд бўлганлар сонига қараб белгиланиб, 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-1987-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ПФ-3305-сон Фармонига биноан амалдаги қонун ҳужжатларига баъзи ўзгартиришлар киритилди. Бу фармонга асосан субъектни микрофирма ёки кичик корхона сирасига киритиш имконини берадиган юридик шахс ходимларининг миқдорий сонини белгилаш; халқ хўжалиги соҳасининг айрим тармоқлари (саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва ҳ.к.) бўйича энг юқори сонининг миқдорий кўрсаткичларини ажратиш; юридик шахсни кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига киритиш мақсадида ҳисобга қўйиладиган шахслар таркибини белгилаш масалалари тартибга солинди. 2004 йил 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар кирадиган бўлди. Яъни: якка тартибдаги тадбиркорлар; ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар. Қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони: енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида 100 кишидан; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, ҳамда бошқа

саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида 50 кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар. Бунда ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналари филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам инобатга олинади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларидан давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам кўпукладли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосини ташкил этди. Сўнгги йиллар давомида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 2 баробар ошган бўлса, 2010 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғри келди. Маълумот учун келтириш лозимки, бу кўрсаткич Молдовада - 12,3 та, Қозоғистонда – 6,9 та, Россияда – 11,3 та, Украинада – 7,5 та, Белорусияда – 7,3 та, Озарбайжонда эса 1,6 тани ташкил этади ³.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий ривожлантиришнинг асосий муҳим омилларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 54,0 фоизга қадар ўсган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан банд аҳолининг иқтисодиётда умумий банд бўлганлар сонигаги улуши ҳам ортиб, 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 74,3 фоизга етди. Мазкур тармоқнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси 12,9 фоиздан 21,1 фоизга ўсди.

³ Ўзбекистон республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. –Т. : «Ўзбекистон», 2011.- 140 б.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий экспорт ҳажмидаги ўсиши 2000 йилдаги 10,2 фоиздан 18,8 фоизга кўтарилди (1-жадвал).

1 - жадвал

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи асосий кўрсаткичлари таҳлили⁴

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (фоизда)	45,7	48,2	50,0	52,5	54,0	54,6
Кичик корхона ва микрофирмалар улуши (фоизда)	27,9	29,5	31,2	32,7	33,7	35,6
Кичик бизнесда банд бўлганларнинг умумий иқтисодиётда банд бўлган аҳолига нисбатан улуши (фоизда)	72,1	73,1	74,2	74,3	74,8	75,7
Ташқи савдо айланишидаги улуши, жамига нисбатан(фоизда)	22,3	21,6	27,0	22,9	26,5	27,4
Импортдаги улуши (фоизда)	33,3	35,7	42,5	36,6	37,4	37,6
Экспортдаги улуши (фоизда)	14,8	12,3	14,6	13,6	18,8	15,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисмини ташкил қилувчи кичик корхона ва микрофирмаларнинг миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги улуши салмоқли ўринга эга. Хусусан, унинг ялпи ички маҳсулотдаги, бандликдаги ва ташқи савдо айланмасидаги улушининг ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2001-2012 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосидаги ҳисоб китоблар.

**Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ва
ҳудудларда умумий банд бўлганлардаги улуши таҳлили⁵**

Ҳудудлар номи	2014 йил		2015 йил	
	ЯҲМ даги улуши	Умумий банд бўлганлардаги иулуш	ЯҲМ даги улуши	умумий банд бўлганлардаги улуши
Қорақалпоғистон Республикаси	64,6	72,3	65,0	72,8
Андижон	56,8	81,5	57,2	81,7
Бухарская	65,4	76,3	66,7	78,2
Жиззах	78,1	78,6	78,3	78,7
Қашқадарё	57,2	76,6	57,5	77,3
Навоий	37,2	56,8	38,0	57,6
Наманган	76,0	78,6	76,8	79,2
Самарқанд	73,9	82,5	74,1	83,0
Сурхондарё	73,0	75,7	74,3	76,4
Сирдарё	77,5	78,0	77,6	78,2
Тошкент	55,0	79,0	56,0	80,1
Фарғона	61,7	78,7	62,3	79,9
Хоразм	72,8	79,0	73,7	79,9
Тошкент шаҳар	52,3	57,1	52,8	57,14

Аммо таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз минтақаларида кичик тадбиркорликни ривожланиш кўрсаткичлари нотекис бўлиб, вилоятлар кесимида турличадир. Таъкидлаш жоизки, ЯҲМда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши ҳудудда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланиш даражасини тўлиқ ифода эта олмайди. Ҳудудлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида келгусида кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушларини кўпайтириш масаласи долзарб масала сифатида эътироф этилди. Албатта мазкур субъектлар фаолиятини рағбатлантиришда уларга берилаётган турли хил кўринишдаги имтиёзлар ва преференциялар муҳим аҳамият касб этади.

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2001-2012 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосидаги ҳисоб китоблар.

1.2. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларининг назарий жиҳатлари

Республикада тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Тадбиркорлик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар орасида сифатли банк хизмати алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, коммуникация ва алоқа, маслаҳат ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига бўлган талаби ортиб бораверади. Чунки тадбиркорлик субъектларига юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақат мукамал ташкил этилган банк хизмати бўлинмалари орқалигина тасаввур қилиш мумкин.

Банк хизматлари деганда, банкнинг оператив ва стратегик фаолиятини самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар мажмуаси тушунилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банклари ўз хизматлари мажмуасини шакллантиришга эришди. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида банклар ўртасидаги рақобат кураши уларни қўшимча миқдорлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш учун янгича ёндашишга ундаб келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида уларнинг хизматларини ўрганиш масаласи муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Тижорат банклари юқори даражада ривожланган молиявий бозор шароитида маълум жиддий қийинчиликларга дуч келади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу ташқи омиллар тижорат банклари молиявий таркибига таъсир қилиб, хизматларини сифатли ташкил этишни биринчи даражага қўймоқда. Тижорат банклари ўз фаолиятлари жараёнида турли хизматларни

базарадилар. Банкнинг хизматлари таркибида етакчи ўринни кредит бериш хизматлари эгаллайди. Фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлик даражаси юқори ўрганилган талаб даражасида бўлишини назорат қилган ҳолда, хизматларнинг даромадлилиги даражасига ҳам эътибор бериш зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, банклар ўртасида рақобат кураши кучайган даврда банклар томонидан мижозларига кўрсатиладиган хизматларининг даромадлилигини мунтазам кузатиб бориш, самарали хизмат турларидан кўпроқ фойдаланиш ҳар бир банк Бошқаруви ва Кузатув Кенгашининг биринчи даражали вазифаларидан бири ҳисобланади.

Банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар ҳақиқатдан ҳам банк фаолияти мажмуи бўлиб, мижозларнинг банк фаолиятига бўлган талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган хизматлардир. Шу билан бир каторда банк хизмати тушунчасига банк операцияларини оптималлашиву ҳам муҳим элемент сифатида киритилди, чунки банклар мижозларга кўрсатадиган хизматнинг у ёки бу турини танлашда ушбу операциянинг самарадорлиги, қулайлиги ва сифатлилиги даражасига эътибор беришлари ва ушбу кўрсаткичлар унинг рақобатбардошлигини таъминлаш асоси ҳисобланишини ҳис етмоқлари лозим.

Бизнес ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг хизматлари қуйидаги турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, жисмоний шахсларни кредитлаш;
- бизнес ва тадбиркорлик субъектлари қимматли қоғозлари билан ошириладиган хизматлар;
- миллий ва халқаро валюта бозорларидаги хизматлар, мижозларга ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатиш;
- лизинг, факторинг, форфейтинг хизматлари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда банклар томонидан бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эллиқдан ортиқ банк хизматлари кўрсатилмоқда. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаш мумкин:

а) Анаънавий банк хизматлар: кредит хизматлари; депозит хизматлари; ҳисоб-китоб хизматлари.

б) Ноанъанавий ёки замонавий хизматлар: консалтинг хизматлари; молиявий активларни бошқариш хизматлари; кафолат хизматлари; интернет-банкнинг хизмати; смс-банкнинг хизмати; секюритизация бўйича хизматлар ва бошқа хизматлар.

Тижорат банклари томонидан бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган банк хизматларининг муҳим турларидан бири уларни кредитлашдир. Кредитлашни асосий хизмат тури сифатида эътироф этишнинг сабаби шундаки, тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий моҳиятига кўра кредитлаш институти ҳисобланади.

Банк ўз табиати жиҳатидан молия-кредит ташкилоти бўлиб, унинг учун кредит операциялари, банк хизматларининг бир кўриниши ҳисобланади. Кредит операциялари (лотинча «creditum» - ссуда деган маънони англатади.) деганда шартлар асосида, яъни қайтаришлилик, муддатлилик ва тўловлилик шартлари асосида маълум бир миқдордаги пулни (ёки товарни) қарзга бериш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, қарздор қарзни белгиланган муддат ичида қайтариб бериши ва ундан ташқари маълум суммани тўлаши лозим. Бу сумма қарзга олинган маблағлар учун тўлов баҳоси бўлиб, у кредит учун фоиз деб аталади.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддасида банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлари шартномалар асосида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, амалиётда банклар ва мижозлар ўртасидаги ҳар бир кредит муносабати шартномавий характерга эга.

Депозит операциялар – банкларнинг депозиторлар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир⁶.

Яқин кунларгача, банклар томонидан депозит операцияларига етарли равишда эътибор қаратилмас эди. Бунинг асосий сабаби инфляция даражасининг нисбатан баландилиги ва миллий валюта курсинининг хорижий валютага нисбатан сезиларли равишда тебраниб туришидир. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги ”Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни фуқароларнинг банкка бўлган ишончини оширди. Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатлари ҳимояланишини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бугунги кунда мижозларнинг банкларга бўлган ишончи ортганлиги сабабли, тижорат банклари молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини ортиқча қийинчиликларсиз қондириш билан бирга, улардан етарли миқдорда ўз фойдасини шакллантириш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Ҳозирги кунда интернет пайдо бўлиши билан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва молиявий операциялар ўтказишнинг янги стандартлари билан ажралиб турувчи банк хизматлари бозори шаклланади.

Бугунги кунда республикаимиз тижорат банклари томонидан бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда омонатларини турли муддатларга миллий ва хорижий валютада жалб қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга қонунчиликда белгиланган мақсадлар учун кредитлар ажратиш, шунингдек, лизинг, факторинг ва бошқа хизматларни кўрсатиш билан бирга, уларга консалтинг хизматларини ҳам кўрсатиб келмоқда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 86-б.

Тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига консалтинг (маслаҳат бериш) хизматларини, яъни банк хизмати турлари ҳақида, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган банк операциялари, бизнес бўйича ҳамкорлар билан оптимал ҳисоб-китобни ташкил қилиш, банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш турлари ва усуллари, бизнес-режа тузиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш, инвестиция таклифларини техник-иқтисодий асослаб бериш, инвестиция лойиҳаларига танлов конкурсига қатнашиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш, банк кредитларини расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар пакетини тузиш бўйича хизмат кўрсатиш, хўжалик юритувчи субъектлар ликвидлигининг таҳлили, тадбиркорнинг ишлаб чиқариш салоҳиятининг таҳлили, инвестиция фаолияти ва пул маблағлари жойлаштиришнинг устувор йўналишлари, маркетинг ва маҳсулотни сотиш, молия ва инвестицияларни бошқариш, бугунги кунда амалда бўлган банк қонун-ҳужжатлари билан таништириш каби банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Ундан ташқари, бугунги кунда банклараро рақобатнинг кучайиши, ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ҳамда замонавий банк хизматларига бўлган талабнинг ошиши янгидан-янги инновацион банк хизматларининг кенг миқёсда жорий этишини заруратга айлантираётган ҳозирги пайтда мамлакатимиз тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари бозори дастлабки ривожланиш босқичида турибди.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари — бу миждознинг масофадан берган топшириқларига асосан(банкка келмасдан) банк хизматларини тақдим этиш технологияларидир. Асосан компьютер ва телефон тармоқлари орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон банкларида миждоз ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг қуйидаги турлари мавжуд:

❖ Банк-Миждоз;

- ❖ Интернет-банкнинг;
- ❖ SMS-банкнинг;
- ❖ WAP-банкнинг.

Банк-Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компютериға махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компьютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Ўзбекистонда интернет-банкнинг дастлаб 2007 йилда корпоратив мижозлар учун хизмат сифатида пайдо бўлган бўлиб, бу хизматни жисмоний шахслар учун ҳам жорий қилиниши унинг республикада ривожла-нишини кейинги босқичи бўлди. Аксарият илғор тижорат банклари «Банк-мижоз» тизимини модернизациялаштириб, бугунги кунда электрон бизнес ривожланишининг янада истиқболли йўналиши – интернет-банкнинг билан ишламоқдалар.

Ушбу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган ҳамда мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан пластик карталарга очилган ҳисобварақларини Интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали киради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверидида жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотларини (тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар) кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади. Интернет-банкнинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига уланиб ўз ҳисобрақамига тушаётган пулларни кўриши, пул ўтказмаларини тайёрлаб банкга узатиши мумкин бўлади. Шунингдек, интернет-банкнинг орқали мижоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

- * тўловларни ўтказиш;

- * тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- * барча ҳисоботларни олиш каби барча амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратади.

Тижорат банкларида мобил банкинг хизматлари, жумладан, SMS-банкнинг хизмати ҳам ривожланиб бормоқда. Мобил банкинг тизими Интернет-банкнинг технологияси асосида яратилди. SMS-банкнинг банк мижозларига уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ва пластик карталарга очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишидаги маълумотларни олиш имконини беради. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориши керак.

Мижоз учун SMS-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини беради:

- ҳисобварағига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварағидан қилинган харажатлар;
- ҳисобварақ баланси;
- кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумотлар олиш.

Ҳозирги кунда мавжуд замонавий талабларга жавоб берадиган технологиялардан бири мобил банкинг тизимидир. Мобил банкингнинг WAP-банкнинг модели банкларнинг мижозларга максимал қулайликни таъминловчи хизмати ҳисобланади. Ушбу платформада мобил-банкнинг тизимларини ривожлантириш истиқболлилигини WAP-банкнинг куйидаги устувор томонлари исботлайди (3-жадвал).

Хориж банк хизматлари бозорининг тўловлар ва банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳаларидаги рақобатбардош хусусиятлари бўлиб, ўтказишларининг оперативлилиги ва тезкорлиги, информацион таъминланганлиги, юқори даражада автоматлаштирилганлиги кенг мухбирлик алоқаларига эга бўлган тармоқларнинг мавжудлиги, ҳамда аниқ

вақт тартибида банк ҳисобварақларини бошқариш имконини мавжудлиги ҳисобланади.

3-жадвал

**Мобил банкинг тизимларидан WAP-банкнинг
хизмати афзалликлари⁷**

Мезонлар	Мазмуни
Оддийлиги	Мижоз тизимни узоқдан фақат WAP-сайт манзилени мобил телефон браузерда кўрсатиб ишга тушира бошлаши мумкин.
Созлашнинг соддалиги	Телефонни содда созлаш талаб этилади. Умуман олганда, ҳозирги уяли алоқа операторлари ривожланиши билан кўшимча хизматларни амалга оширишда созлаш қийинчилик туғдирмайди.
Интерфейс аниқлиги	WAP-сайтни ихтиёрий миқдорда турли даражада аниқликдаги логотиплар ва иконкалар билан безаш мумкин.
Функционаллиги	Функционал қамраб олиш фақат банкка боғлиқ.
Арзонлиги	GPRS-трафикка харажатлар WAP профили орқали ишлашда минималдир, ундан ташқари, мижознинг ўзи танлаш ҳуқуқига эга: агар амалда умуман текинга ишлашни хоҳласа – GPRS-Интернет профилини созлаши мумкин.
Универсаллиги	WAP-сайтлар турли мобил телефонларда бир хилда акс этади.

Ўзбекистонда банк тизими ривожланиб борган сари банклар томонидан бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ҳам хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда, уларга янги банк хизматлари таклиф этилмоқда. Шулардан бири янги технология бўлиб ҳисобланган «Банк-Мижоз» дастури бўйича ҳисоб-китоблардир. «Банк-Мижоз» дастурининг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 497-сонли билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 27 июнда 402-сон билан тасдиқланган «Ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисида»ги Низом ҳисобланади. «Банк-мижоз» дастурий

⁷ Олимхонов А. Масофавий банк хизматлари бозори: ҳолат ва истикбол. /Бозор, пул ва кредит илмий-амалий журнал. 02/2013. 27 б.


мажмуаси (дастур) банк ва мижознинг автоматлаштирилган ўзаро алоқаси учун белгиланган бўлиб, пул маблағларини оператив бошқаришнинг ўсишига ва қуйидагиларга имкониятлар яратади:

- мижознинг ҳар куни банкка қатнамаслиги ҳисобига ўз вақтини ва маблағини тежашга;
- минзилнинг узоқ яқинлигига қарамасдан мижознинг банкни ўзи ихтиёрий равишда танлашига;
- банк мижозлари бўлган фуқароларга уларнинг уйида, юридик ташкилотларга эса уларнинг идораларида автоматлаштирилган иш жойини ташкил қилган ҳолда банк хизматини кўрсатишга;
- операцион ва ахборотлар соҳасида мижозга кўрсатиладиган хизмат доирасини кенгайтиришга;
- банк бухгалтерларининг меҳнат унумдорлигини оширишга;
- операцияларнинг юқори тезликда ва сифатли рўйхат қилинишини таъминлашга.

“Банк-мижоз” дастури ишлаб чиқилганда унинг олдига бир нечта вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин (- расм).

“Банк-мижоз” дастури орқали банкнинг иш тартибини кўриб чиқамиз мумкин. Бунда мижозлар билан ахборотлар алмашилиш учун банкда ҳар битта мижозга алоҳида почта қутиси ташкил етилади. Мижозлардан келиб тушган барча ахборотлар дастурий равишда дешифрация қилиниб, реквизитли назоратдан ўтади ва банкнинг маълумотлар базасига “киритилган” мақоми остида туширилади. Зарур ҳолларда банкнинг жавобгар ходими ўз иш жойида қўшимча текширилиши лозим бўлган электрон ҳужжатларни босмадан чиқаради ва банкнинг тегишли бўлимлари билан келишади. Пул ҳужжатлари ўрнатилган тартибда текширилгач, улар тасдиқланади ва банкнинг амалиёт кунига қайта ишлаш учун юборилади, кейин эса электрон тўловлар тизими бўйича олувчига жўнатилади.

Мижознинг ҳисобварағида маблағлар йўқ бўлган ҳолларда, пул ҳужжатлари билан бутун файл қайта ишлашдан чиқариб ташланади ва мижознинг почта қутисига қайтарилади, агар шартномада ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда бошқаси назарда тутилмаган бўлса. Электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган пул ҳужжатлари ижро этилгандан сўнг мижознинг почта қутисига жойлаштирилади.



1-расм. “Банк-мижоз” дастурининг асосий вазифалари⁸

Мижозлар банклар билан бўладиган муносабатларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини мукаммал даражада билишлари зарур. Чунки мижоз ўзининг вазифа ва мажбуриятларини мукаммал даражада билса, банк ва

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

мижозлар ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Шундагина банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар самарали амалга оширилади.

Республикамиз тижорат банкларида бугунги кунда мижозларга амалдаги банк қонун-ҳужжатлари ҳамда улар учун фойдали бўлган маълумотлар ҳақида маслаҳат берилмоқда яъни, мижозларга консалтинг хизматлари кўрсатилиб келинмоқда. Юртимиз тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга консалтинг хизматларини Адлия вазирлигида 1999 йил 19 январда 599-сон билан давлат рўйхатига олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида консалтинг хизматларини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар”га мувофиқ амалга оширадилар.

Мазкур кўрсатмалар талаблари юзасидан тўхталадиган бўлсак, унда тижорат банклари томонидан консалтинг хизматларини ташкил қилиш борасида қуйидаги асосий талаблар белгиланган. Банк консалтинг хизматининг асосий вазифаси тадбиркорларга ва хўжалик юритувчи субъектларга банк хизмати ва маблағларини энг самарали қўйиш билан боғлиқ масалалар бўйича маълумот-маслаҳат хизматларини кўрсатишдир. Тижорат банкларининг консалтинг хизмати хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги масалалар бўйича маслаҳат ва маълумот бериш хизматларини кўрсатиши мумкин: банк хизмати турлари ҳақида; тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар; бизнес бўйича ҳамкорлар билан оптимал ҳисоб-китобни ташкил қилиш; хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш турлари ва усуллари; бизнес-режа тузиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш; инвестиция таклифларини техник-иқтисодий асослаб бериш, инвестиция лойиҳаларига танлов конкурсига қатнашиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш; банк кредитларини расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар пакетини тузиш бўйича хизмат кўрсатиш; хўжалик юритувчи субъектлар ликвидлигининг таҳлили; тадбиркорнинг ишлаб чиқариш салоҳиятининг таҳлили; кредитлаш ва ҳисоб-китоб усуллари;

инвестиция фаолияти ва пул маблағлари қўйишнинг устувор йўналишлари; маркетинг ва маҳсулотни сотиш; молия ва инвестицияларни бошқариш; банк қонунчилиги ва тизимидаги амалдаги низомлар.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мухтарам юртбошимизнинг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат Дастури тўғрисидаги Қарори ва 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда республикадаги барча тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиалларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мақсадида тадбиркорлар хонаси ташкил қилинган. Ушбу тадбиркорлар хонасида хўжалик юритувчи субъектларга жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига банк томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида маслаҳатлар ва уларни қизиқтирган барча саволлар юзасидан банкнинг малакали мутахассислари томонидан консалтинг (маслаҳат) хизматлари кўрсатиб келинмоқда⁹.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги ”Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни фуқароларнинг банкка бўлган ишончини оширди. Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатлари ҳимояланишини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул

⁹ Сатторов М. Банклар фаолиятида консалтинг хизматлари самарадорлиги. //Бозор, пул ва кредит илмий-амалий журнал. 10/2012. 38 б.

маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ушбу қарор ижроси юзасидан жойлардаги мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида назорат-касса машиналаридан тўлиқ фойдаланиш ва тўловларнинг пластик карточкалар орқали амалга оширилишини таъминлаш қатъий назорат қилинмоқда. Шунинг баробарида бўш пул маблағларини ҳаракатга келтириш учун фуқароларни банк билан ишлашга ўргатиш ва албатта, омонатчиларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиб, банкка бўлган ишончини ошириш тадбирлари банкларнинг доимий диққат марказида турибди. Айни мақсадда банклар томонидан ҳар йили янги, жозибали омонат турлари жорий этилиб, миқдорларга биринчи талабидаёқ пул маблағларини беришга ҳаракат қилинмоқда.

Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом Фуқаролик кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг бир маромда қўлланилиши мамлакатнинг бутун ҳудудида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилиши мумкин. 2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи барча тижорат банкларини бирлаштиради. Марказда “UZKART” сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган¹⁰.

Ўзбекистонда ҳозирда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими жуда кенг тарқалган. Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

Мамлакатимизда масофадан банк хизмати кўрсатишни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори муҳим ўрин тутди. Унга кўра 2015 йилгача республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатилишини янада кенгайтириш борасида тегишли тадбирлар олиб борилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларга киришиши учун қулай имкониятлар яратилган.

¹⁰ www.cbu.uz сайти маълумотлари.

**2-БОБ. БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
БАНКЛАР БИЛАН ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

2.1.Бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда банкларнинг роли

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банкларнинг роли муҳимдир. Бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолият – хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, ишловчиларни иш ҳақи билан таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар ва бошқалар юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар, яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида, олинadиган кредитлар ва бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг барчаси “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” шиори остида ўз фаолиятларини амалга оширмоқдалар (2-расм).



2-расм. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиб келаётган банклар

2010 йилда республикамызда халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтингларини олган тижорат банклари сони 13 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилда уларнинг сони 28 тага етди.

2012 йил “Мустаҳкам оила йилида” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 5 трлн 345 млрд.сўм кредитлар ажратилди. 2012 йилда Тадбиркор аёлларни қўллаб - қувватлашга тижорат банклари томонидан 491,7 млрд. сўм кредитлар ажратилади. Бундан ташқари 2012 йилда касб ҳунар коллежлари битирувчиларига 48,4 млрд сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Мева - сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 33,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш тўғрисида”ги Фармони билан яратилган имтиёзлар

Тижорат банкларида ҳисобрақам очиш учун имзо намуналарини нотариал тасдиқлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари – микрофирмаларнинг имзо намуналари карточкасида иккинчи имзо бўлиши талаби бекор қилинди

Ваколатли тижорат банклари томонидан экспорт-импорт шартномаларни рўйхатга олиш ишларини 8 иш соати давомида амалга оширилиши белгилаб берилди

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тижорат банкларида, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдори камида 20 фоизга камайтирилди.

3-расм. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар тавсифи¹¹

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

¹¹ www.lex.uz портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди. Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикаимиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган. Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўладилар. Бу жараён олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар, асосан, корхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан характерланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мулк эгалари ва кичик корхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажаришга ўз маблағларини сафарбар этиб борадилар. Тадбиркорларнинг банклар билан бўладиган операцияларида кўпгина эркинликлар бериб қўйилганлиги шунда намоён бўлмоқдаки, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистоннинг турли банкларидаги ўз ҳисоб счётида сақлаш, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қилаётган қонунларга ва шартномаларга асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоблар олиб бориш мумкин. Банклар тадбиркор счётида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлашни кафолатлаб беради. Банклар тадбиркорлар ва мижозлар билан

бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топшириқ қоғози банкка келиб тушиши билан 12-13 соат давомида кейинги операцияларни бажариши зарур. Мулк эгалари ҳисобига пул ўтказиш шаҳар ичида 4 иш кунда, вилоят ичида 5 иш кунда, республика ичида 10 иш кунда бажарилиши лозим. Агар бу қонун шартлари бузилса, мижозга йиллик фоиз миқдорида банк жарима тўлайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни Республика Марказий банки томонидан киритилган ўзгаришлардан, қоидалардан айниқса, ҳисоблар бўйича нақд пулсиз тарздаги операциялар бўйича ўзгаришлардан хабардор қилади. Банк мижозга кечикиб ўтказган операциялари учун, пулни нотўғри жўнатганлиги учун, айбдор сифатида, ҳар бир кун учун ўтказилаётган сумманинг 3 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Банкнинг айби билан ҳисоб ҳужжатлари йўқолса, мижозга ҳужжатда кўрсатилган сумманинг ҳар бир куни учун 3 фоиз миқдорида жарима тўланади. Тадбиркорлар билан банк ўртасида кредит бериш бўйича бўладиган операциялар икки томон ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир тадбиркор «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини чуқур ўрганиб, унга риоя қилиши лозим.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма

маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Маълумки, Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири - бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда миллий фаровонликни таъминлашдан иборатдир.

Бу мақсадларга эришиш йўлида сўнгги йилларда бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди. Ўз навбатида, мазкур дастурларда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариш, оилаларни, шу жумладан иқтидорли ёшларни ва ишбилармон аёлларни моддий ва маънавий қўллабқувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар банк тизими учун улкан масъулиятли вазифалардан бири бўлди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлмиш ушбу соҳага бўлган эътиборнинг тобора ортиб бориши, уни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди.

Хусусан, Мухтарам Президентимиз томонидан 2012 йил 16 июлда қабул қилинган ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни,

лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида 2012 йилниг 1 августидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил ва лицензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини бекор қилиш белгилаб берилди.

Бу орқали, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сонини бирмунча камайтиришга ҳамда бизнесни йўлга қўйиш суръатларини кескин оширишга эришилди.

Шу билан бирга, 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинди.

Жумладан, банк ҳисобрақамлари очиш учун тақдим этиладиган имзолар намунаси карточкаси нотариал тасдиқланиши ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари-микрофирмалар имзолар намуналари карточкасида иккинчи (бухгалтер) имзо бўлишини талаб этиш бекор қилинди.


Шунингдек, Фармонга асосан, импорт-экспорт шартномаларини ваколатли банкларда рўйхатга олиш муддати 2 банк кунидан 8 соатгача қисқартирилди.

Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг кескин кўпайишига эришилди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари кенгайиб, сифати ҳам яхшиланди. Банк кредитлари

ҳисобидан олиб кирилган янги замонавий технологияларни ишга тушириш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб, бир қатор янги иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда, 01.01.2013 йил ҳолатига тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар 5 346 млрд. сўмин ташкил этган. Бу эса 01.01.2012 йил ҳолатига 1 305 млрд. сўмга ёки 32,3 % га ортган. Шундан берилган микрокредитлар 01.01.2013 йил ҳолатига 1 172 млрд. сўми ташкил этган. Бу эса 01.01.2012 йил ҳолатига 420 млрд. сўмга ёки 55,9 % га ортган (4- расм).

4-расм



4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар динамикаси¹²

Кичик бизнеснинг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг иқтисодийетимизда тутган ўрни тобора ортиб бормоқда.

¹² Марказий банк маълумотлари.

Оилаларни бизнес, тадбиркорлик ва хунармандчиликка жалб қилиш, ўзларига маъқул бўлган, ота-оналаридан мерос бўлиб қолган севимли касблари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб бериш, уларни бу соҳада эгаллаб турган ўрни ва салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Юртбошимиз мазкур масала хусусида сўз юритар эканлар, «бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади», дедилар.

Оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида 2012 йил 26 апрелда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Шунингдек, тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар, айниқса банк хизматларидан фойдаланишда белгиланган имтиёزلарни кенг оммага етказиш борасида қатор чоралар кўрилмоқда. Хусусан, 2012 йил давомида республикамизнинг олис, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларида Марказий банк ва тижорат банкларининг масъул ходимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва ҳокимлик вакиллари, кичик бизнес субъектлари, шу жумладан, тадбиркор аёллар, фермер хўжаликлари вакиллари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирокида мунтазам равишда амалий семинар-учрашувлар ўтказилди.

Мазкур тадбирларда кўпгина ёшлар битирган мутахассисликларига мувофиқ, шунингдек хотин-қизлар ўз тадбиркорлик фаолиятларини ташкил

этишлари учун махсус банк сертификатлари билан тақдирландилар. Ушбу сертификатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар олиш имконини беради.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, бугунги кунда тадбиркорларга банк хизматлари кўрсатиш кўлами бирмунча кенгайиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми кескин ортди. 2012 йил давомида республика тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 5,3 трлн. сўм миқдорида, яъни 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги Дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ушбу йўналишларга 2 трлн. сўмдан кўпроқ кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан йил давомида 42 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ажратилган кредитлар асосан кичик тадбиркорлик субъектларининг юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, шунингдек узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, меҳнат ресурслари зич бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Кредитлар ажратишда асосий эътибор мамлакатимизнинг чекка туманлари, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларига қаратилиши натижасида, республикаимизнинг барча туман ва шаҳарларида соҳани кредитлаш ҳажмлари ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга, айрим

туманларда эса 2-2,5 баробаргача ошганлиги, кўрилатган чоралар ўз самарасини бераётганлигидан далолат беради.

-жадвал

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2012 йил давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 2011 йилга нисбатан ўсиш суръатлари (млн. сўм)¹³

№	Асосий йўналишлар	2011 йил давомида ажратилган кредитлар	2012 йил давомида ажратилган кредитлар	2011 йилга нисбатан ўсиши (фоизда)
1.	Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар	4 041 130	5 345 827	132,3
Шундан:				
1.1	Ажратилган микрокредитлар	752 287	1 171 607	155,7
1.2	Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга	25 649	48 460	188,9
1.3	«Микрокредитбанк» томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар	159 683	204 742	128,2
1.4	Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга	59 734	77 583	129,9
1.5	Озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга	712 443	978 181	137,3
1.6	Нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга	724 011	1 041 262	143,8
1.7	Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга	54 140	97 780	180,6
1.8	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун	351 085	618 120	176,1
1.9	Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга	335 584	491 735	146,5

Оилаларнинг фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш каби аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2012

¹³ Зафар Ч. Банк кредитлари юрт фаровонлигини таъминлашга. /Бозор, пул ва кредит журнали./ 01/2013(188) сон. 32 б.

йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Дастурда асосий эътибор оилаларни ижтимоий-иқтисодий, маиший жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва ўз даромад манбаларига эга бўлишлари учун имкониятлар яратиш беришга қаратилди.

Ўз навбатида, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан 1,02 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратиш мўлжалланган эди. Ушбу Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йил якунига кўра Дастурда белгиланган вазифаларга 1,4 трлн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, йиллик прогнозга нисбатан 142 фоизга бажарилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кредитлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада кенг имкониятлар яратиш банк тизимининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

2.2. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро алоқалари таҳлили (“Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки мисолида)

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг амалдаги иқтисодиёт соҳаси корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлашдаги эҳтиёжларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик - тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 3750-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги

«"микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 78-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «"микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 4051-сонли фармонларига мувофиқ, “Микрокредитбанк” очик акциядорлик – тижорат банки ташкил этилди.

Банк ташкил этилган биринчи куниданоқ, кўрсатиладиган микромолиявий хизматларнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги асосий мақсадлари белгилаб олинди. Унинг иқтисодий йўналишда қўйган асосий мақсади: микрокорхоналарнинг бошланғич маблағини шакллантириш; айланма маблағини тўлдириш; кредит тарихини шакллантириш; ўзини-ўзи коплайдиган молиявий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш.

Ижтимоий йўналишда қўйган мақсади: ишсизликка барҳам бериш; аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган кам таъминланган қисмига ёрдам бериш; аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш.


Микрокредитбанк очик акциядорлик-тижорат банкининг асосий вазифалари:

Биринчидан, мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка айниқса, қишлоқ жойларда кўмаклашиш.


Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий

ускуналар ва минитехнологиялар хариди учун микролизинг хизматларини кўрсатиш.



4-расм. Микрокредитбанк очик акциядорлик-тижорат банки томонидан бериладиган микросармоялар йўналиши тавсифи.¹⁴



6 - расм. Микрокредитбанк очик акциядорлик-тижорат банки

¹⁴ “Микрокредитбанк” маълумотлари асосида тузилган

томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми таҳлили (млрд.сўмда)

Жадвал маълумотлари таҳлилига диққатимизни қаратадиган бўлсак, 2012 йилнинг ўзида “Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми сўнгги беш йиллик давомида 3,2 баробарга ортганлигини кўришимиз мумкин.

Тўртинчидан, банк мижозларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги банк хизматларидан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлайдиган филиал ва минибанклар тармоғини кенгайтиришдир.

Бошланғич (старт) сармояни шакллантиришга микрокредитлар кўйидаги бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилади:

- юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача бўлган миқдорда;
- юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган микрофирмаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача бўлган миқдорда;
- фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача бўлган миқдорда;

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун улар кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида буюртма тақдим этилганда йиллик 3 фоизлик устама бўйича 18 ойгача бўлган муддатга берилади.

Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари олиши мумкин:

- Миқдори -энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда;

- Муддати - 24 ой муддатгача;
- Фоизи – Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкасида (йиллик 6 фоиз ставкада).

- Расм маълумотларида Микрокредитбанк очик акциядорлик-тижорат банки инфратузилмаси акс эттирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида жами: 84 та филиал, 188 та минибанк ҳамда 100 та агентлик бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда

Жаҳон банк амалиёти ва тажрибасидан маълумки, кредитлар таъминотсиз берилмайди. Мазкур йўналишда Марказий банк тавсияси асосида, тижорат банкларида коллеж битирувчиси микрокредит олиши учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошлари – ота-онаси, акаси, опасининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти кенг қўлланилаётганлиги кўплаб ёшларнинг ўз лойиҳаларини амалга оширишларида кенг имконият яратмоқда.

Шунга кўра, ажратилаётган имтиёзли кредитлар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз билим ва амалий малакаларини ҳаётга татбиқ этиши, қолаверса, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун етарли шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар яратмоқда.

Хусусан, “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан ҳисобот даврида коллеж битирувчиларига ажратилган имтиёзли микрокредитлар миқдори 10,1 млрд. сўмни ташкил этди(5-расм).

5-расм



5-расм. Ёш тадбиркор ва коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар миқдори (млрд. сўмда)

Бундан ташқари республикага илғор технологияларни жалб этиш, корхоналарни замонавий ускуналар асосида янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва маҳаллийлаштиришга қаратилган истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, хизмат кўрсатиладиган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга маблағларни самарали киритиш борасидаги ишларни олиб бормоқда. Банкнинг амалга оширган актив операцияларини диверсификациялаш сиёсати натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Банкнинг ресурслар базасини ошириш учун аҳолининг бўш пул маблағлари банк депозитларига мунтазам жалб этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3968-сонли Фармонини ижросини таъминлаш мақсадида миллий ва хорижий валюталардаги янги муддатли тақдим этилди. Таклиф этилган омонатлар

фуқароларнинг барча ижтимоий ва ёш гуруҳлари – ишчилар ва пенсионерлар, ёшлар ва ўрта ёшдагиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олади, шунингдек, улар ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларига, ҳам ўрта ва юқори даромадларга мўлжалланган. Шунини қайд этиш лозимки, омонатга қабул қилинадиган минимал ва максимал маблағлар чекланмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Аҳолининг тижорат банкларига омонатларининг шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида"ги ПФ-3968-сонли фармони аҳолининг банк тизимида ишончини янада мустаҳкамлашга ва бўш маблағлари тижорат банкларига омонатларига жалб этилишини рағбатлантиришга қаратилган. Карточкалар сақловчиларига уяли алоқа операторлари, коммунал муассасалар ва ҳоказолар фойдасига тўлов ўтказишга имкон берувчи инфокиосклар (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари) тармоғини жорий этиш ишлари амалга оширилган.

Банк ва унинг мижозлар базаси ривожланишининг ижобий динамикаси мижозлар эҳтиёжи ўсиб бориши ва банкнинг ўзи ривожланиши билан мутаносиб тарзда ўз бизнес жараёнлари мунтазам такомиллашувини талаб этади. Мижозлар муваффақиятли бизнес юритишлари учун ушбу банк шаҳобчаларида ахборот, ресурс ва таҳлилий база замонавийлаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сифатли молиявий маҳсулотлар тақдим этиш ва турли даражадаги мижозларга хизмат кўрсатиш имконини беради.

Банк филиалларида умумий тарзда қуйидаги хизмат турлари амалга оширилади: миллий ва хорижий валютада мижозларга ҳисоб рақами очиш ва юритиш; ҳисоб касса хизмати; корпоратив кредитлаш; инвестиция лойиҳаларини молиялаш; лизинг ва факторинг операциялари; капитал қўйилмаларни молиялаш ва уларнинг талаби бўйича муҳандислик-техник хизмати кўрсатиш; депозитларга пул маблағларини қабул қилиш ва жойлаштириш; депозитлар ячейкаларига хизмат кўрсатиш; қимматли қоғозлар бозорида хизмат кўрсатиш; пластик карточкаларни муомалага

чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш; “Банк-мижоз” дастури асосида мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш.

Чет эл валютасида хизмат кўрсатиш: ҳисоб рақами очиш; конверсион операциялар; банк ўтказмалари; инкасса; кафолат ва аккредитив ҳужжатлар бўйича операциялар; экспорт-импорт контрактларининг ҳисобини юритиш бўйича операциялар; чеклар билан операциялар; банкнинг бошқа операциялари. Банк корпоратив мижозларга қўшимча қулайликлар яратишга, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш учун янги хизмат турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Нақд пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш мақсадида ҳисобот даври мобайнида “Бозор” тизими орқали савдо жойлари учун тўловларни қабул қилиш мақсадида қўшимча дастурий модулни барпо этиш ишлари амалга оширилган.

3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАНКЛАР БИЛАН ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзарo иқтисодий муносабатларини такомиллаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар

Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзарo иқтисодий муносабатларини такомиллаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ёндошган ҳолда биз таҳлил қилаётган Микрокредитбанк очик акциядорлик-тижорат банки фаолиятида уларнинг мижозлари билан бўлган ўзарo иқтисодий алоқаларини ривожлантириш мақсадида 2013 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар сифатида қўйидагилар белгилаб олинган: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар миқдори 243,5 млрд. сўмга етказилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Прогнознинг 50 фоизи четдан жалб этилган ресурслар ҳисобидан қайта молиялаш ставкасида амалга оширилади. Ушбу фоиз ҳам имтиёзли фоиз ставкаси ҳисобланади.

Банк кредитлари эвазига 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш. Банк томонидан кўрсатиладиган имтиёзли микромолиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни барча ҳудудларда, айниқса 28 та чекка ҳудудлар аҳолисига етказиш мақсадида семинарлар ташкил этиш.

2013 йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади. Кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби мақсадларга йўналтирилади. Шунингдек, имтиёзли ресурслар **биринчи навбатда** янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида бажариш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (8-жадвал).

т/р	Худудлар номи	2013 йилда кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар миқдори	Яратиладиган янги иш ўрни
1	Қорақалпоғистон Республикаси	17538	6800
2	Андижон вилояти	21871	10233
3	Бухоро вилояти	14683	5934
4	Жиззах вилояти	16966	7750
5	Қашқадарё вилояти	27985	13220
6	Навоий вилояти	19540	9202
7	Наманган вилояти	14801	6033
8	Самарқанд вилояти	13494	5260
9	Сурхандарё вилояти	17852	7460
10	Сирдарё вилояти	12495	4772
11	Тошкент шаҳри	8019	3204
12	Тошкент вилояти	19238	8299
13	Фарғона вилояти	20929	9538
14	Хоразм вилояти	18180	8380
	Республика бўйича	243500	106085

Бундан ташқари “2013 йилда Ўзбекистон Республикасида иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” Дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга мувофиқ янги ташкил этиладиган кичик корхона ва микрофирмаларга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш учун айланма маблағлар ажратиш, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш мақсадида микролизинг хизматлари кўрсатиш йўналишлари белгилаб олинган (7-расм).

2013 йилнинг 18 январида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика Бошқаруви билан имзоланган ҳамкорлик шартномасига асосан ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даража ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жорий йилнинг январ-март ойларида тасдиқланган график асосида “Агар аёл тадбиркор бўлса...” лойихаси доирасида семинарлар ташкил этилади.

Вилоят ўрта махсус касб-хунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда “Банк ва коллеж ҳамкорлиги” лойиҳасини амалга оширилади. Ушбу мақсад йўналишида 2013 йилда ажратиладиган кредитлар миқдори 11,4 млрд. сўмга етказилади.

Аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида ажратиладиган кредитлар миқдори 40,0 млрд. сўмдан ошади. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 27,6 млрд. сўм кредит ажратилади. Ёш oilаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 38,0 млрд. сўм кредитлар ажратилади. Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракат Маркази билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор-юртга мададкор” кўрик танлови ва ҳамкорлар томонидан таклиф этиладиган янги танловларда иштирок этилади. Айнан, бу йўналишда Савдо-саноат палатаси, Марказий банк таклифига асосан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва қулай бизнес-муҳитни яратиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “Бир тадбиркор - учта ҳамкор” акцияси ўтказиш.

“Обод турмуш йили” Давлат Дастури Лойиҳасига амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор таклифлар киритилди. Хусусан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорлик ишлари кенгайтириш мақсадида 6 мингта аёлларнинг иқтисодий билим кўникмаларини ошириш мақсадида уларни ҳамкорликда ўқитиш ва 5 мингта

хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 20,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар бериш режалаштирилган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар, таҳлилий амалларга таянган ҳолда банкларнинг бизнес ва тадбиркорлик субъектларига юқори сифатли хизмат кўрсатиши учун қуйидаги шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, янги мижоз банк билан мўътадил (нормал) ўзаро фаолият олиб бориши учун яратилган шароитга мослашиши устида ишлаш. Агарда янги мижозга банк билан ўзаро алоқа ўрнатиш шарт-шароитлари тўғрисида тушунтириш, у билан жараёндаги учрашувларга банк ходими ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаш, бошланғич хизмат босқичида янги мижозни кузатиб бориш дастурини ишлаб чиқиш ва шу каби ташкилий таснифдаги бошқа ишлар жиддий тарзда олиб борилмаса, у ҳолда мижозни банкка жалб этиш борасидаги барча ҳаракатлар муваффақиятсиз якун топиши мумкин.

Иккинчидан, мижозлар билан иш олиб боришда банкда ижобий корпоратив маданиятни шакллантириш зарур.

Учинчидан, мижозлар билан коммуникацияни, яъни ўзаро мулоқотни ривожлантиришни йўлга қўйиш лозим.

Тўртинчидан, мижозлар кўламини сегментлаш, VIP-мижозлар билан ишлаш технологиясини яратишга қаратилган комплекс саъй-ҳаракатлар дастурини қўллаш керак.

Бешинчидан, мижозларга кўрсатиладиган хизмат сифатини баҳолаш ишини ташкил қилиш зарур.

Олтинчидан, банк таркибий тузилмаси ва мутахассислари кўмагида мижозларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни олиб бориш керак.

3.2. Банк хизматларини ривожлантириш орқали бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш масалалари

Инновацион технологияларни ривожлантириш орқали бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш муҳимдир. Бизнингча бугунги кунда бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштиришда банк хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар амалиётида банк соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ISO стандартлари билан баҳоланиб, уларда сифат аудитининг асосий тамойиллари ифодаланади¹⁵:

- мунтазам ички тафтишлар ўтказиш;
- сифатни текшириш ва сифат бўйича талабларнинг бажарилишини баҳолаш харажатларини ўз ичига оладиган сифатни назорат қилиш харажатларини аниқлаш;
- сифат бўйича талабларнинг бажарилмаслиги ва хатолар билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоби;
- сифатни бошқариш ва режалаштириш бўйича харажатларни назорат қилиш.

Аудитдан мақсад сифатни бошқариш тизими қанчалик самарали ишлаши ва унинг заиф ҳисоботлари қандай эканлигини аниқлаш ҳисобланади. Сотув сифати аудити доирасида текширишнинг бир неча хил усуллари мавжуд:

1. Мижозлар ўртасида сўров ўтказиш. Ундан асосий мақсад мулоқотлар тезлиги ҳақида ахборот олиш ҳисобланади.

¹⁵ Критерии эффективности банковской деятельности: зарубежный опыт. ИНИОН РАН, М., 1999

2. Ходимлар ўртасида сўров ўтказиш. Малакани текшириш учун қўлланади. Бу ишдаги қийинчиликлар, хатолар вужудга келиш тезлиги бўйича интервью бўлиши мумкин.

3. Тестлар. Қуйидаги шаклларда музокараларга тайёргарлик сифати ва уларнинг натижаларини текшириш учун фойдаланилади: а) мижоз билан реал муносабатларни кузатиш; б) ҳужжатлар юритиш.

4. Мижоз ва банк ўртасида ишонч асосидаги муносабатларга реал ва яширин тўсиқлар сифатида кўриб чиқиш лозим бўлган сигнал ҳисобланадиган даъво ва шикоятлар таҳлили.

Электрон коммуникацияларни ривожлантиришга асосланган мижозларга йўналтирилган технологиялар орқали бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш мумкин.

Маҳсулот инновациялари соҳасида харидорлар талаби омилининг ривожланиш кўлами замонавий банк технологиялари билан белгиланади. «Банковское обозрение» журналида чоп этилган шарҳлардан бирида таъкидланганидек, агар Ўзбекистон банк бизнесини юзлаб сонли чакана молиявий маҳсулотларига эга бўлган Ғарб мамлакатларидаги вазият билан таққослайдиган бўлсак, янгиликлар киритиш нуқтаи назаридан унинг ривожланиш учун йўналишлари мавжуд. Янги маҳсулотлар рақобат курашида жиддий бир устунликка айланмоқда, бироқ, экспертлар таъкидлаганидек, уларни ҳаракатга келтириш технологиялар нуқтаи назаридан ҳам, истеъмолчилар нуқтаи назаридан ҳам яхши тайёрланган бўлиши лозим. Мисол – cash-in функцияли банкоматлар. Уларнинг ёрдамида банк мижозлари ўзлари учун қулай бўлган исталган пайтда жорий ва карточка ҳисобрақамларига маблағ киритиш имкониятига эга бўлади. Пулларни қабул қилиш конвертда эмас, купюралар билан амалга оширилади, бу эса пул миқдорини дарҳол ҳисоблаб чиқиш ва пулларнинг ҳақиқийлигини текшириш имконини беради. Карточка ҳисобрақамига киритилган пуллар

мижознинг картасига бир зумда ўтказиб берилади. Шунингдек, cash-in функцияли банкоматлар ёрдамида кредитни қайтариш учун маблағлар ўтказиш қулай бўлади¹⁶.

XXI асрда юзага чиқадиган ва электрон коммуникациялар асосида банкларни хизматларни шахсийлаштиришга максимал даражада яқинлаштирадиган замонавий инновацияларнинг энг муфассал тавсифини етакчи консалтинг компанияларида, хусусан, «Cisco Systems» компаниясида учратиш мумкин. Компания мутахассислари энг истиқболли йўналишлар сифатида қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатади¹⁷:

IP-ТЕЛЕФОНИЯ. Ушбу ечим ўзининг WAN (wide area network) глобал тармоғига эга бўлган банклар учун мўлжалланган. IP-телефония бу тармоқдан бўлинмаларда телефон алоқасини қўллаб-қувватлаш учун арзон канал сифатида фойдаланилади. Бунда банк бугунги кунда кераксиз бўлиб қолган, эскирган АТСлардан воз кечади ва қиммат халқаро алоқа тўловларидан қутилади. Бу ҳолатда банк ҳар бир бўлинмада иш самарадорлиги ва меҳнат маҳсулдорлигини оширадиган қўшимча замонавий хизматларга эга бўлади.

CUSTOMER CARE (буюртмачилар ҳақида ғамхўрлик). Ўзининг стратегик мақсадларига эришиш учун кўпчилик банклар маҳсулот ва хизматларини буюртмачиларнинг эҳтиёжларига аниқроқ йўналтириши лозим. Бу ечим банкларга бўлинмадаги бутун ишчи муҳитни миқдор томон йўналтиришга ёрдам беради. Бунда бўлинма миқдорнинг ҳар бир сўрови банкнинг ўзи кўрсатган мезонлар бўйича энг пухта билимли (ваколатли) ходимга юбориладиган банк call-марказининг фаол қисмига айланади. Агар сўров банк ва буюртмачи ҳақида барча зарур ахборотларга эга, муаммони тез ва самарали ҳал қила оладиган ходимга бирдан бориб тушадиган бўлса, банк ўзининг стратегик мақсадларига анча тезроқ ва осонроқ эришиши мумкин.

¹⁶ Банковское обозрение", № 9, сентябрь 2006 г.

¹⁷ Банковское отделение будущего. // Методический журнал «Расчеты и операционная работа в коммерческом банке» № 2, 2006 г.

IP ATM & KIOSK (IP-банкомат ва киоск). Банкоматлар ва ахборот киоскларининг умумий банк IP-тармоғига тўлиқ интеграциялашуви уларни банк бизнесининг стратегик вазифаларини ҳал қилишда жуда фойдали воситага айлантиради. Банкоматлар мижозлар ўртасида кенг оммалашган, бироқ бошқа банк каналларидан маълум даражада алоҳида ажратилган ҳолатда ишлайди. IP-тармоққа уланган банкомат нақд пул ёки ҳисобрақамидаги қолдиқлар ҳақида маълумотнома бериш билангина чекланиб қолмайди, бунга қараганда анча кўпроқ хизматлар тақдим этиши мумкин. Овоз, видеотасвир ва маълумотлар билан ишлай оладиган банкомат мижозлар учун кенгроқ ва сифатлироқ хизматлар тўплами етказиб бериш каналига айланади. Ахборот киосклари нисбатан янги ва одатдан ташқари банк воситаси бўлиб турибди, бироқ келажакда уларнинг роли сезиларли ўсиши кутилмоқда. IP ATM & Kiosk ечими хизматларни янада самаралироқ бошқаришни таъминлайди ва мижозларга реклама ахбороти ва муҳим хабарларни тезроқ етказиб беришга имкон беради.

CONTENT DELIVERY NETWORK (контент етказиб бериш учун тармоқ). Бу ечим банк бўлинмасида мультимедия хизматларини самарали бошқариш ва бу хизматларни янада самарали тарзда етказиб бериш учун мўлжалланган. Хизматлар ходимларни электрон воситалар ёрдамида ўқитишдан тортиб то янги маҳсулот ва хизматларни мижозлар ўртасида реклама қилишгача хилма-хил бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам Content Delivery Network кўплаб янги ва қизиқарли имкониятлар таклиф этмоқда. Бу ечим сотув бўйича энг яхши менежерлар тажрибасини кенг тарқатиш учун замин яратади. Буюртмачи билан суҳбатлашар экан, банк ходими ўз экранда муҳим далиллар ва рақамлардан иборат бўлган мураккаб дастурларни тезда очиб олиши мумкин. IP-тармоқ инфратузилмаси кўплаб фойдаланувчиларга бир вақтнинг ўзида битта иловага ёки контентга минимал кечикиш билан уланишга имкон беради. Яна бир муҳим рақобат омили буюртмачилар ҳақида, шунингдек, ўзининг маҳсулот ва хизматлари ҳақида олинадиган

ахборотнинг аниқлиги ва ўз вақтидалиги ҳисобланади. Бўлинма ходимларининг бу ахборотларни тез, осон, хавфсиз ва узлуксиз олиши банк учун муҳим масала ҳисобланади. Банклар ўз IP-тармоқларидан бўлинмалар ходимларини электрон воситалар ёрдамида ўқитишни ташкил қилиш учун фойдаланиши мумкин. Бунда барча ходимлар, қаерда бўлишидан қатъи назар, уларга IP-каналлар бўйича компьютер экранларига етказиб бериладиган бир хилдаги юқори сифатли ўқув материални олади. Ўқитувчи материалнинг ўзлаштирилишини масофадан туриб текширади ва зарурат туғилганда ходимнинг туғилган қийинчиликдан чиқишига ёрдам беради. Ўқиш ва ўқитиш учун ҳеч қаерга бориш талаб қилинмаслиги банк учун вақт ва пулни сезиларли тежашга имкон беради.

IP VIDEO SURVEILLANCE (IP-тармоқ орқали видеокузатувлар) . Бу ечим хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун уни умий IP-тармоққа бирлаштирган ҳолда банкда видеокузатувлар тизимини модернизация қилади. Он-лайн режимида видеокузатув ҳимоя қилинадиган web-сайт орқали амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, видеокузатув ёрдамида банк раҳбарияти бўлинмада мижозларнинг хулқ-атвор хусусиятларини яхшироқ тушуниши мумкин. Фавқулодда вазиятларда ҳуқуқ-тартибот органларига видеокузатув тизимига уланиш имконини бериш мумкин бўлиб, бу вужудга келадиган хавф-хатарларга тезроқ ва яхшироқ жавоб беришга хизмат қилади.

WIRELESS (симсиз алоқа хизматлари). Банк бўлинмасида ҳимоя қилинадиган симсиз алоқа тармоғини яратиш ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш асосида масофадан туриб хизматлар кўрсатиш имкониятларини кенгайтириши ва меҳнат маҳсулдорлигини кескин ошириши мумкин. Бундан ташқари, бундай тармоқ мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширади, чунки ходим тизимли ресурсларга бир онда улана олади ва мижозга зарур ёрдам кўрсатиш имкониятга эга бўлади. Автоматлар комплекси билан ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил қилиш ҳақида қарор шу билан

изоҳланадики, ахборот иқтисодиёти шароитларида банкларда иш билан юкланганликнинг кассирлар ва операцион ходимларнинг иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтирмайдиган, ақл ва заковати кам талаб қиладиган меҳнатидан кредит, консалтинг ва бошқа хизмат турлари билан шуғулланадиган менежерларнинг юқори самарали меҳнати томон қайта тақсимлаш амалга оширилади¹⁸.

Умуман олганда, бугунги кунда банк хизматларининг инновацион технологиялар асосида ривожланиши биринчидан хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, вақтни тежаса, иккинчи томондан бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қулай имкониятлар вужудга келишини таъминлайди.

¹⁸ Рогов В., Дятлов А. Автоматизированный филиал банка. //Банки и технологии, М. , 2008 г. ,№3., с. 56-59.]

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида биз томонимиздан қуйидаги хулосалар чиқарилди ва таклифлар берилди:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиб, улар фаолиятини ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳити яратиш мумкин.

2. Бизнингча бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари амалиётида мижозга йўналтирилганлик тезисидан келиб чиқиб, фаолият юритиш банклар учун муваффақиятга эришиш гарови бўлиб хизмат қилади.

3. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларида ҳар бир банк мижозлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлиши унинг рақобатда устунлигини таъминлайди. Шунинг учун банкда “самарали мижозлар банкини” яратиш орқали фаолият юритилса, ўзининг ижобий натижасини беради.

4. Бизнингча бугунги кунда бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш мақсадида банклар омонатлар ҳажмининг кўпайишига, улар банк тизимида жалб этилишига нисбатан нисбатан кўпайишига қилаётганлигини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўришса мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Микрокредитбанк очик акциядорлик – тижорат банки республиканинг етакчи банкларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хорижий капитал жалб этиладиган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиради ва кредитлайди, шунингдек, чакана хизматлар кўрсатади. Битирув малакавий ишимизда бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини туларок очиб бериш мақсадида бу банк фаолияти

атрофлича таҳлил қилиниб, тегишли натижалар олинди.

6. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари жараёнида 4 та муҳим вазифа амал қилади: миқозни жалб этиш, уни ушлаб туриш, ривожлантириш ва кераксиз (фойда келтирмайдиган) миқозлардан воз кечиш. Ушбу тизимда миқозларни жалб этиш биринчи ўринда туриши бежиз эмас.

7. Банкларга миқозларни жалб қилишда улар фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий босқичи муваффақият қозониш жараёнидаги муҳим омилларни аниқлаш саналади. Бу омилларни танлаш банк маркетинг-микс омиллари тавсифларига асосланади. Таҳлил натижаларига асосланиб, банк фаолиятида салоҳиятли миқозларни жалб этишда технология натижаларига асосланган “мерган овчи” маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш лозим.

8. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари тизимида миқозларни ушлаб туриш тадбирларини амалга ошириш ҳам унинг рақобатда устунлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади. Шунинг учун миқозларни ушлаб туриш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади: янги миқознинг банк билан ўзаро фаолият олиб бориши учун яратилган шароитга мослашиши устида ишлаш; миқозлар билан иш олиб боришда банкда ижобий корпоратив маданиятни шакллантириш (яъни, “ижобий миқоз майдони”ни); миқозлар билан коммуникацияни ривожлантириш; миқозлар кўламини сегментлаш; миқозларга кўрсатиладиган хизмат сифатини баҳолаш; банк таркибий тузилмаси ва мутахассислар кўмагида миқозларни ривожлантириш бўйича иш олиб бориш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Рақобат тўғрисида”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекситон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” “Халқ сўзи” газетаси, 03.05.2012 й.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.11.2007 й.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.11.2011 ПФ-4354
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2005 й. ПФ 3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш

борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори 19.07 2009 й ПҚ-1134.

- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши ва уни лойихалашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 8.09.2010 й ПҚ-1403.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисидаги” Қарори. 29.12.2011й. ПҚ-1455.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт ва импорт операцияларини тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 15.06.2005 й. № ПҚ-100.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 14.06.2005 й. № ПҚ-3618.
- 1.14. И.А. Каримов Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир— Тошкент, 2008. – 23 б.
- 1.15. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009 й.
- 1.16. Каримов И. А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т. “Ўзбекистон” 2010 й.
- 1.17. Каримов И. А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Т.: “Ўзбекистон” 2011 й.

- 1.18. И.А. Каримов 2012 – йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: «Ўзбекистон» 2012 й.
- 1.19. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.- Т.: “Ўзбекистон”, 2001 й . – 407 б.
- 1.20. Каримов. И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш./ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 19-январь 2013 й.

II. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

- 2.1. А.Бекмурадов, Б.Гоипназаров, М.Аманов, М.Тошхуджаев. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 1-қисм. Макроиқтисобиёт ва иқтисодий ислохотлар, савдо ва инвестициялар оқимлари. Т.: ТДИУ, 2005й., 59 б.
- 2.2. Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев ва бошқ. Банк иши. Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия”. 2010 й. 530 б.
- 2.3. Абдурахманов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик Т-”Меҳнат”-2004 й.
- 2.4. Ф.Каримов ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. Дарслик. Т,2011 й
- 2.5. Ғуломов С.С.Тадбиркорлик ва кичик бизнес: Ўқув қўланма -Т.:Шарқ, 2002-365 б.
- 2.6. Критерии эффективности банковской деятельности: зарубежный опыт. ИНИОН РАН, М., 1999

III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

- 3.1. Ўзбекистон республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йилар) асосий тенденция ва

кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. –Т. : «Ўзбекистон», 2011.- 140 б.

3.2. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 86-б.

3.3. Олимхонов А. Масофавий банк хизматлари бозори: ҳолат ва истиқбол. /Бозор, пул ва кредит илмий-амалий журнал. 02/2013. 27 б.

3.4. Сатторов М. Банклар фаолиятида консалтинг хизматлари самарадорлиги. //Бозор, пул ва кредит илмий-амалий журнал. 10/2012. 38 б.

3.5. Зафар Ч. Банк кредитлари юрт фаровонлигини таъминлашга. /Бозор, пул ва кредит журнали./ 01/2013(188) сон. 32 б.

3.6. Банковское обозрение", № 9, сентябрь 2006 г.

3.7. Банковское отделение будущего. // Методический журнал «Расчеты и операционная работа в коммерческом банке» № 2, 2006 г.

IV. Интернет сайтлари.

4.1. www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳукумати портали)

4.2. www.tfi.uz (Тошкент молия институти расмий сайти)

4.3. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти)


4.4. www.wikipedia.ru (Электрон энциклопедия сайти)

4.5. www.xs.uz (“Халқ сўзи” газетасининг расмий сайти)

4.6. www.lex.uz (Қонун ҳужжатлари тўплами портали)

ИЛОВАЛАР

1-илова




Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадларига ажратилган кредитлар (млрд. сўм)¹⁹

¹⁹ Марказий банк маълумотлари.

**Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан
фойдаланувчиларнинг сони 2013 йил 1 апрель ҳолатига²⁰**

№	Банк	Интернет- банкнинг ва "Банк-мижоз"	SMS-банкнинг ва мобил банкнинг	Жами
1	ТИФ Миллий банки	4 227	30 071	34 298
2	ОАТ "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки"	2 042	1 348	3 390
3	"Агробанк" ОАТБ	1 765	749	2 514
4	"Ипотека-банк" АТИ банки	3 158	27 255	30 413
5	"Микрокредитбанк" ОАТ банки	2 385	13 062	15 447
6	ДТ Халқ банки	1 204	-	1 204
7	Чет эл кап. иштир. "Савдогар" ОАТБ	459	-	459
8	ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"	1 239	8 692	9 931
9	"Турон" ОАТ банки	981	613	1 594
10	"Хамкорбанк" ОАТ банки	4 147	4 767	8 914
11	"Асака" ДАТ банки	1 503	8 513	10 016
12	"Ипак йўли" ОАИТ банки	3 229	2 042	5 271
13	"Ўзбекистон-Туркия банки" ЁАЖ	177	128	305
14	"Трастбанк" ХОАБ банки	1 352	970	2 322
15	ОАТ "Алоқабанк"	1 226	1 789	3 015
16	"КДБ Банк Ўзбекистон" ЁАЖ	217	498	715
17	"Туркистон" ХОАТ банки	227	25	252
18	Эрон "Содерот" банки	11	12	23
19	"Самарқанд" ОАТ банки	6 302	429	6 731
20	"Универсалбанк" ХОАТ банки	258	425	683
21	"Капиталбанк" ОАТ банки	2 803	3 907	6 710
22	"Равнақбанк" ХОАТ банки	64	33	97
23	"Давр-Банк" ХЁАТ банки	704	-	704
24	"Кредит-Стандарт" ОАТ банки	34	215	249
25	"Invest Finfnce Bank" ХОАТБ	1 028	431	1 459
26	"Amirbank" ХОАТ банки	52	38	90
27	"Asia Alliance Bank" ХОАТ банки	610	329	939
28	"Hi-Tech Bank" ХЁАТ банки	298	82	380
29	ХЁАТ банки "Orient Finans"	396	502	898
Жами		42 098	106 925	149 023

²⁰ Марказий банк маълумотлари.



Муомалага чиқарилган банк карталари сони²¹
1 январь ҳолатига

²¹ Марказий банк маълумотлари.